

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

К П С С
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ
ИЮЛЬ
ПЛЕНУМИ
ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА
ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ


№ 175, (4422) | 3 сентябрь, 1970 йил, ПАЙШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

ИЛҒОРЛАР ДАЛАСИДА

БЕКОБОД. «ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ» МУХБИРИ-ДАН. 1-«Далавэрзи» совхозининг далаларида иш қизғин. Пахтакорлар йиғим-теримга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ишда ўртоқ Абдусамед Халилов бошқараётган 6-бўлим ишчилари олдинда кетмоқда. Деҳқонлар 620 гектар майдондан 1700 тоннадан ошириб «оқ олтин» топишишга бел боғлаган эдилар. Улар ҳосилнинг чўғини қайта ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари яна қўшимча 138 тонна пахта топишиш мажбуриятини олдилар.

Бўлимдаги кўпгина бригадаларнинг механизаторлари ўтган йилга нисбатан оширилган мажбуриятларни қабул қилдилар. Улар ҳар гектар ердан олинган ҳосилни 4—5 центнерга кўпайтириш ва «оқ олтин»нинг 80 процентини машиналар ёрдами билан териб олаётган, дейишмоқда.

ТОШКЕНТ БОҒЛАРИ



Қилинган райондаги «Ленин йўли» колхози яришкор боғбонлари махсули кўз ўнгингизда. Бу боғларнинг соҳибкорлари эл дастурхони ҳамавақт тўқин-сочин бўлсин деб меҳнат қилмоқда. Суратда: 1. Колхоз боғида олма териб, 2. Ш. Исроиллов ва А. Абдуҳалиқов ўртоқлар узумларни жунатишга тайёрламоқдалар. 3. Бир туп тоқдаги узум. (Бу колхоз ҳақидаги материал газетамизнинг 3-бетида берилмоқда). А. АБАЛАН фотолари.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИНИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорный, А. Н. Косигин ўртоқлар Вьетнам Демократик Республикасининг Президенти ўртоқ Тон Дик Тхангга, Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Ле Зуанга, Вьетнам Демократик Республикасининг миллат мажлиси доимий комитетининг раиси ўртоқ Чинг Тинга, Вьетнам Демократик Республикасининг бош вазирининг ўртоқ Фам Ван Донгга табрик телеграммалари юбориб, унда миллий байрам

— Вьетнам Демократик Республикасининг 25 йиллиги муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва бутун совет халқи номидан Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетига, ВДР миллат мажлиси ва ҳукуматига, қардош Вьетнам халқига самимий табриклар ва энг яхши истаклар билдирдилар. (ТАСС).

Бундан тўрақ аср илгари, 1945 йил 2 сентябрда озодин уруш аяланганда Шарқи-Жанубий Осиёдаги биринчи озодин мустақил давлат—Вьетнам Демократик Республикаси вужудга келди. Байрам арафасида союзлар ўзининг колония элига тўланган Москва жамоатчилиги вакиллари вьетнам халқининг ҳаётидаги ана шу шонли санани тантанали вазиятда нишонладилар.

Инглиз президиумида К. Т. Мазуров, К. Ф. Катусев ва бошқа ўртоқлар, жамоатчилик вакиллари ўтирибдилар. Улар СССР Олий Совети Президиумининг фармони «НАМАНГАН ХАҚИКАТИ» ОБЛАСТ ГАЗЕТАСИНИ «ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

НАМАНГАН ОБЛАСТИ МЕХНАТКАШЛАРИНИ КОММУНИСТИК РУҲДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРНИ ХЎЖАЛИК ВА МАДАНИЙ ҚУРИЛИШ ВАЗИФАЛАРИНИ БАЖАРИШГА САФАРАБ ЭТИШ БОРАСИДА САМАРАЛИ ИШЛАГАНЛИГИ УЧУН «НАМАНГАН ХАҚИКАТИ» ОБЛАСТ ГАЗЕТАСИ «ХУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНЫЙ, СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ. Москва Кремль. 1970 йил 2 сентябрь.

ЛУБ—ДАВЛАТГА

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА
ЛУБ ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА
1970 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРГАЧА
БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Иллик планга нисбатан процент ҳисобида	
Ўрта Чирчиқ	35,8
Янгийўл	27,2
Бўстонлиқ	20,0
Оққўрғон	18,3
Юқори Чирчиқ	11,8
Област бўйича	17,0

Кейинги йилларда қаноат эъланган районлар, хўжаликлар сови анча кўпайди. Бўстонлиқ, Янгийўл районларида ҳам луб етиштиришга киришилди. Ҳозирги пайтда областимизда

даги луб экадиган колхоз ва совхозларнинг ҳаммаси маҳсулот тайёрлашни қизғин давом эттирмоқдалар. Алмо, баъзи хўжаликларда луб тайёрлаш суръати жуда суст. Янгийўл районидagi илгор хўжаликлар иллик планни салкам 50 процент бажарганликлариди ҳолда шу райондаги «Қизил Октябрь», Карл Маркс номидаги колхозлар ҳатто район даражасидан ҳам орқада қолмоқдалар. Бу соҳада берилган топишириқ қонирасиз бажарилаётганлигини Бўстонлиқ районидagi К. Маркс номидаги Оққўрғон районидagi Димитров номидаги, Юқори Чирчиқ районидagi «Правда» ва бошқа колхозларда ҳам кўриш мумкин. Вақт кутиб турмайди. Қаноат тайёрлашни ҳамма жойда қизғин тус олдирайлик.

РЕСПУБЛИКА ОБЛАСТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Йиғим-теримга республикада биринчи бўлиб киришган Бухоро областида 2 сентябргача 7,15 процент миқдорда пахта тайёрланди. Бухороликлар иллик планга нисбатан бир кунда 1,25 процент миқдорда пахта топиширдилар. Шу кунгача Қашқадарь областида 1,7 процент, Сурхондарь областида 0,66 процент, Қорақалпоғистон АССРда 0,12 процент, Андижон областида 0,03 процент, Сирдарё областида 0,02 процент миқдорда пахта тайёрланди. Тошкент, Фарғона, Наманган, Самарқанд, Хоразм областларида йиғим-теримга киришилмаган. Республика бўйича 0,78 процент миқдорда пахта тайёрланган.

ДЕФОЛИАЦИЯНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК

ОБЛАСТ РАЙОНЛАРИДА
ЎЗГАНИ ДЕФОЛИАЦИЯ
ҚИЛИШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 1970 ЙИЛ
2 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Планга нисбатан процент ҳисобида	
Оққўрғон	0,7
Бўқа	1,1
Бекобод	0,2
Юқори Чирчиқ	—
Оржоникидзе	—
Ўрта Чирчиқ	—
Янгийўл	—
Област бўйича	2,3

Даладарда мўл ҳосил гишбо етилмоқда. Эрта-индин ҳамма жойда йиғим-терим ишлари бошланиб кетди. Бу муҳим напсияни муваффақиятли ўтказиш машина теримининг кўламага боғлиқ. «Зангори кема» ларнинг поёнсиз даладарда юқори унум билан ишлашлари учун ҳозирги кунда дефолиациянинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши ҳар жиҳатдан муҳимдир. Ўтган йилларда ҳам машина терим соҳасида ташаббускор ва авангард бўлиб кетган оққўрғонликлар дефолиацияни белгиланган муддатларда ўтказишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Лекин юқоридаги маълумотда кўрсатилганидек Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Юқори Чирчиқ районлари дефолиацияга ҳали киришганлари йўқ. Бу муҳим ишни ўтказишга тайёр бўлган даладарда самолётлар ва ОДНларини ишлатишни бошлаб юборайлик.

СССР МУДОҒАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1970 ЙИЛ 3 СЕНТЯБР

№ 192

МОСКВА ШАҲРИ

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлари! Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлари! Армия ва Флотининг ветеранлари! Бутун Совет халқи ва унинг жангчилари, қардош социалистик мамлакатларининг меҳнатнашлари, бутун прогрессив инсоният империалистик Япония устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллигини нишонламоқда.

Бундан тўрақ аср муқаддам Совет Қуролли Кучлари Узоқ Шарқда япон милитаристларининг жуда катта стратегия группасини батамом тор-мор қилдилар ва шу билан япон империализмининг тор-мор келтиришга ҳал қилувчи ҳисса кўпайди. Армия ва Флотимизнинг жангчилари душманга қарши олиб борилган жангларда ўзларининг ватанпарварлик ва интернационал бурчларини чуқур тушуналганликлари билан намоён қилдилар, мислизи мардик ва оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар. Монголия Халқ Революцион армиясининг жангчилари совет жангчилари билан жанговар ҳамдуст бўлиб, мардларча жанг қилдилар. Фашистлар Германияси ма-

лублияга узраганидан сўнг империалистик Япониянинг тор-мор келтирилиши жаҳон империализми кучларини янада бўшатириб, Узоқ Шарқ ва Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларида миллий озодин ва социалистик революциялар ғалабаси учун қудай шароитлар яратиб берди. Пролетар интернационализми қозонган содиқ Совет Иттифоқи хитой ва корея халқларининг озодин курашига бебаҳо ёрдам кўрсатди. Узоқ Шарқда Совет Қуролли Кучларининг эришган ғалабаси жаҳонимизга брлигини, Совет давлатининг бузилмаслигини, социализмининг капитализмга нисбатан сўзсиз устуланини яна бир бор намоён қилди. Бу ғалаба совет халқи барча зафарларининг таъкидотисига ва илҳомисига Коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги туфайли қўлга киритилди. Ватанимиз шу шонли ғалабанинг 25 йиллигини умумхалқ ватанпарварлик ҳаракати юксалган бир вазиятда нишонламоқда. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари Ленин юбилейи парадига саноат, қишлоқ хўжалиги, фан, техника ва маданиятнинг ривожланишида, халқ фаро-

вонлигини юксалтиришда катта-катта муваффақиятларга эришдилар. Мамлакатда КПССнинг XXIV съездини муносиб кутиб олиш, беш йилликни барвақт бажариш, жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини янада ошириш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш учун социалистик мусобақа тобора кенг қулоқ елдирилмоқда. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет халқининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, ташқи сиёсатда ленинча йўлни қатъий тўриб ва изчиллик билан ўтказмоқда, янги жаҳон урушининг олдин олинган учун сабоқ-матонат билан кураш олиб бормоқда. Совет давлати Европада ва Осиёда коллектив ҳавфсизлик системаси яратилиши учун, барча халқлар билан, шу жумладан япон халқи билан ҳам дўстона муносабатлар урнатилишини ёқлаб чиқмоқда. Аммо энг агрессив империалистик доиралар, даставвал Америка Қўшма Штатларидаги агрессив империалистик доиралар тарих сабоқлари билан ҳисобламай ҳарбий тайёргарлик кўришни авж олдириб бормоқда. Улар тинчликсевар халқлар-

га қарши сиёсий ва ҳарбий аялатюралар йўлига ўтиб, Шарқи-Жанубий Осиёда агрессив ҳаракатларни кенгайтириб бормоқдалар. Япониянинг АҚШ билан тузган ҳарбий иттифоқи, япон милитаризмининг бош кўтариши, Осиё мамлакатларида япон монополияларининг иқтисодий экспансияси кучайиб бораётганлиги Осиёда тинчлик ишига жиддий хавф-хатар тугдиради. Ана шу шароитларда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўлаб, социалистик давлат мудоғаа қўбилишини янада мустаҳкамлаш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилмоқда. Ленин васиятларига содиқ, ўз халқига ва коммунизм улуғ ишига ҳеҳиз саломатлиги совет жангчилари совет кишиларининг тинч яратувчилик меҳнатини сезирилик билан қўриқлаб турдилар ва ҳар қандай агрессияни даф қилишга тайёр турбдилар. Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг шахсий составини милитаристик Япония устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллиги муносаба-

ти билан табриклайман ва қутлайман. Шу санани нишонлаш юзасидан буюрмам. Бутун, 3 сентябрда маҳаллий вақт билан соат 21 да ватанимизнинг пойтахти қаҳрамон шаҳар Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада, қаҳрамон қалъа Брестда, шунингдек Чита, Хабаровск, Владивосток, Южно-Сахалинск ва Петропавловск—Камчатскийда байрам, мушанбозлиги ўтказилсин. Социалистик ватанимизнинг Озодинлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда халок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар бўлсин! Яшасин қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли қуролли Кучлари! Халқимизни Ленин йўлидан коммунизм сари бошлаб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! СССР мудоғаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. ГРЕЧКО.

